O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 28 сентябрь, № 190 (4089) Пайшанба

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

Шу кунларда кўҳна ва ҳамиша навқирон Марғилонда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизғин паллага кирган. Бу юмушлар мамлакатимиз шаҳарсозлик тарихининг нақадар теран илдизларга эга эканлигидан дарак беради. Сабаби, бу шаҳарнинг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишларида бутун мамлакат иштирок этмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

Эзгу ишлар шарофати

Мутасаддиларнинг маълумот беришича, ҳозирда умумхалқ ҳашарларида бухоролик, самарқандлик, тошкентлик, қўқонлик қўли гул усталар фаол қатнашмоқдалар. Марғилонликлар ўтган ҳафта Президентимиз ташрифи чоғида билдирган кўрсатмаларни алоҳида ҳисобга олмоқдалар.

Юбилей шарофати билан шаҳар кўчалари ва автомагистрал йўллар қайтадан таъмирланиб, турар жой бинолари, савдо ва маиший хизмат объектлари, турли идора ва муассасалар биноларига янгича пардоз берилмоқда. Айниқса, шаҳарнинг «Мустақиллик», «Туркистон», Бурҳониддин Марғиноний ва Алишер Навоий кўчаларида, Ал-Фарғоний номидаги айланма йўлда кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилаётганини эътироф этиш зарур.

СУРАТЛАРДА: 32-умумтаълим мактаби биносининг кўриниши; шаҳардаги саноат корхоналаридан бирида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Келажак овози-2006»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти бўлими кенгаши шафелигида ўтказилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ҳеч муболағасиз иқтидор эгалари кўриги, деб айтиш мумкин.

Иқтидор эгалари кўриги

Кўрик-танловнинг 6 йўналиши бўйича қатнашчилар ўз истеъдодлари ва иқтидорларини синаб кўришди. Шуниси эътиборга лойиқки, вилоятдаги коллеж ва лицейларнинг ўқувчилари кўп соҳаларда устозлари, акалари, институтлар талабаларини ортда қолдириб, эртанги кунимизнинг чинакам ворислари эканликларини исботлашди. «Бадиий ижод» номинацияси бўйича шоҳсупани тўла Фарғона санъат коллежи талабалари — Бекзод Эшонов, Шоҳида Зокирова, Зарнигор Аҳмадалиевалар эгаллашди. Шу билим юрти талабаси Шодиёр Комилов «Бадиий ва амалий санъат» номинацияси бўйича ғолиб деб топилган бўлса, яна бир талаба Мурод Қурбонов «Архитектура ва дизайн» номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Бу номинацияда Фарғона шаҳар архитекторлар уюшмаси ходими Бобир Хаминов ғолиб деб топилди. Шунингдек, шоҳсупага «Ахборот ва коммуникация технологиялари» номинацияси бўйича компьютер технологиялари коллежи ўқитувчиси Нуриддин Жўраев, «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналиши бўйича Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишчиси Бехзод Султонов, «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар» номинацияси бўйича эса политехника институти талабаси Дилшод Охунжоновлар кўтарилишди.

Иқтидор эгалари танлови ғолибларини тақдирлаш, шарафлаш тадбирлари ҳам чинакам ёшлар байрамига айланиб кетди. Дастлаб улар шаънига қадимий Хўқанди Латифнинг кўҳна Арк майдонида катта концерт намойиш этилди, сўнгра ғолибларга Фарғона шаҳридаги ёшлар амфитеатрида, тўрт мингдан зиёд тенгдошлари иштирокида лауреатлик нишонлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Энди ғолибларга танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 30 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги** "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **135-модда биринчи қисмининг диспозицияси** "транспорт воситаларини бошқариши" деган сўзлардан кейин "худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **176^3-модда** билан тўлдирилсин:

"176^3-модда. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

4) **245-модданинг биринчи қисми** "176-моддасининг иккинчи қисми" деган сўзлардан кейин "176^3" рақами билан тўлдирилсин;

5) **264-моддадаги** "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **287-модданинг:**

1-банди "176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида" деган сўзлардан кейин "176^3" рақами билан тўлдирилсин;

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частоталли қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176^3, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан";

7) **289-модданинг учинчи қисмидаги** "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **291-модданинг биринчи қисми:**

"а" бандидаги "137-моддаларида" деган сўзлар "137, 176^3-моддаларида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

"д" банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176^3-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **136-модданинг иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари** "автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **565-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **"Нотариат тўғрисида"**ги 343-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи** ва **олтинчи хатбошилари** "автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 27 сентябрь
№ ЎРҚ — 56

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг ошкоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги акциядорлик компаниялари ҳамда фонд тузилмалари билан биргаликда ишлаб чиққан 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури иловага мувофиқ маъқулласин, унда қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилади:

корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш;

қимматли қоғозлар иккиламчи бозори миқёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш;

фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;

қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишни яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ижро этувчи вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Дастурдаги чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда корпоратив облигациялар чиқариш фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан:

облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кунга аудитор ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз шахсий капитали миқдори доирасида;

кейинги уч йил ичида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган, аудитор ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган ОАЖлар;

эмитентлар томонидан инвесторларга тегишли маблағларни тўлаш бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар белгилансин:

акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши лозим;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Учинчи ўқишда тақдим этилган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев ахборот берди. Мазкур ҳужжат киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилганидан кейин Қонун қабул қилинди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Маматов иккинчи ўқишда киритилаётган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун ҳужжатини моддама-модда кўриб чиқиш жараёнида уни такомиллаштириш юзасидан қатор фикр-мулоҳаза ва таклифлар баён этдилар. Қонун лойиҳаси киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова тақдим этди. Моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси М.Йўлдошев иккинчи ўқишда муҳокамага тақдим этилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Моддама-модда бўлиб ўтган муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун ҳужжатини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Иккинчи ўқишда муҳокамага киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Жумаев ахборот берди. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарори 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У.Вафоев тақдим этди. Муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси М.Маҳаметова «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Тақдим этилган ҳужжат ҳақида барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин мазкур ҳужжат атрофлича муҳокама этилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА).

Битта гап

Коки ЧУМА,
Япония маъмурий ислоҳотлар бўйича Давлат вазири:

— Япония ва Ўзбекистон иқтисодий алоқаларида шуни таъкидлаш керакки, жуғрофий масофа икки томонлама товар айирбошлашни кўпайтириш учун муайян қийинчилик туғдиради. Менинг назаримда, илғор технология ва инвестиция соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон қитъада дўстлик ва ҳамкорлик учун ҳақиқий кўприк бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

акциядорлик жамиятларининг кузатувчи кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот берадилар;

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилади;

устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади.

4. Солиқ кодексида белгиланган тартибнинг амал қилиши депозитарий хизматлари ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш хизматларига татбиқ этилсин, унга мувофиқ қимматли қоғозлар айланиши бўйича операциялар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

5. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

қимматли қоғозлар бозорида брокерлик (воситачилик) фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги ставка бўйича ягона солиқ тўлайдилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қимматли қоғозлар бозори бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини халқаро стандартларга мувофиқ унификациялаш ва такомиллаштириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 27 сентябрь.

Маррадан ўзганлар

Қашқадарё вилояти пахтакорлари ялпи хирмон салмоғини 426 минг тоннага етказиб, дастлабки маррани эгаллаш учун йиғим-терим ишларини тобора жадаллаштирмоқдалар. Ҳозиргача 4 минг фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини уддалади.

Куни кеча вилоятнинг учта туманида йиллик шартнома режалари бажарилди. **Яккабоғ тумани** пахтакорлари 6300 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бугунгача яратилган хирмон 20 минг тоннадан ошди.

— Далаларимизда ҳали ҳосил мўл, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев. — Қабул пунктларига яна 5 минг тонна пахта етказиб бериш ниятидамиз. Шунда ҳосилдорлик 36-37 центнерга тўғри келади. Фермерларимизнинг даромади ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Ўтган йили пахтачиликдан 4 миллиард сўм соф фойда олинган бўлса, бу йил фойдани 10 миллиард сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз. Бунга ялпи хирмон салмоғини ошириш билан бир қаторда ҳосилни эрта йиғиб олганлигимиз ва юқори навга сотганлигимиз ҳисобига эришаяпмиз.

Шаҳрисабз тумани далаларидан бугунгача йиғиштириб олинган «оқ олтин» салмоғи 18 минг тоннадан ошди. Бу туман фермерларининг шартнома мажбуриятларида белгиланганидан анча кўпдир. Ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган ҳосил 30,2 центнерни ташкил этди. Илғор фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 35-38 центнерни ташкил этди.

Туман пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, соф фойда ҳажмини 7 миллиард сўмдан ошириш учун йиғим-терим ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

Боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган **Китоб тумани** деҳқонлари пахтачилик соҳасида ҳам катта тажриба тўплашган. Шу туфайли пахтачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларида бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача 3150 гектар майдондан 10 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Пахтакорлар режага қўшимча 3 минг тонна қимматбаҳо хомашё топшириш учун далаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ана шунда туман бўйича ҳосилдорлик 41 центнерга етади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Пахта-2006»

Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси ҳисобланмиш Қорақалпоғистонда ҳам пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Туманларнинг давлатга "оқ олтин" сотиш бўйича шартнома режаларини бирин-кетин уддалаётгани тўғрисида хушхабарлар келиб турибди.

Мўйноқ тумани пахтакорлари бу борада биринчи бўлишди. Гарчи Оролбўйи аҳолиси асосан балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланса-да, сифатли саноат хомашёси етиштира олишлари мумкинлигини ҳам амалда исботлаб беришди.

Юрт хирмонига, шунингдек, Қонликўл тумани пахтакорлари 4 минг 550 тонна, қораўзакликлар 5 минг 300 тоннадан ошиқроқ ҳосил етказиб бериб, муносиб ҳисса қўшдилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МАДАНИЯТ
янгиликлари

Ёшлар гиёҳвандликка қарши

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик, жиноятчилик, диний ақидапарастлик, айрим зарарли оқимлар ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолмасликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирга пойтахт мактабларининг ўқувчилари таклиф этилди. Кеча доирасида бир неча йўналишлар, жумладан, кросс, стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

Гул байрами

Наманганда анъанавий «Гул байрами» бўлиб ўтди. Қирқ олтинчи бор ўтказилаётган ушбу тантана туфайли вилоятнинг Бобур номли маданият ва истироҳат боғи турфа гулларга бурканди.

Икки кун давом этган байрамда 1800 турдаги 130 минг тупдан зиёд гул ҳамда манзарали кўчатлар намойиш этилди.

"Нотўқимачи" ҳиссадорлик жамияти гулчилари томонидан ташкил этилган кўргазма барчанинг эътиборини тортди. Негаки, улар байрамга Лотин Америкаси, Янги Зеландия, Ҳиндистон сингари бир қатор мамлакатлардан келтирилиб Наманган заминида етиштирилган ноёб гулларни намойиш этдилар.

Наманганда бошланган "Гул байрами" вилоятда фаолият юритаётган рус, қирғиз, корейс миллий маданият марказлари уюштирган "Дўстлик" фестивалига уланиб кетди.

Яхшилик қил...

Халқимизда "Яхшилик қил, сувга ташла — балиқ билар, балиқ билмаса холиқ билар" деган мақол бор.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган "APLA" жамоат ташкилоти ўз фаолияти давомида ушбу нақлга амал қилиб келади. Ташкилот ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ, имкониятлари чекланган, шароити оғир, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб келмоқда. Феруза Билолова бош бўлган ушбу жамоа яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Кам таъминланган оилаларнинг юз нафарга яқин фарзандларига ўқув қуроллари, китоб-дафтарлар, имконияти чекланган 14 нафар болага ногиронлик аравачаси туҳфа этди.

Эътиборли томони шундаки, "APLA" томонидан ташкил этилган компьютер, бухгалтерия курсларида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул таҳсил олмоқдалар.

— Ёз фаслида бошланғич синфларга борувчилар учун бепул курслар ташкил этдик, — дейди ташкилот раҳбари. — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида биз ҳам халқимизнинг корига яраётганимиздан мамнунмиз.

Мушоира этади давом

Бекобод туманидаги Алишер Навоий номли мактабда Истиқлолга бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, олимлар Пирмат Шермуҳамедов, Адҳамбек Алимбековлар иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда бугунги кун шеърияти, адабиёти ва адабий жараёнлар ҳақида сўз юритилди. Мушоирада бекободлик шоирлар Малик Эгам, Нурали Жалил ҳам ўз асарларидан ўқиб бердилар.

«Ардоқдасиз, фахрийлар»

Республика Хотин-қизлар қўмитасида "Ардоқдасиз, фахрийлар" деб номланган учрашув бўлди.

Унга спорт соҳасида юксак натижаларга эришган, бугунги кунда эса соҳага малакали кадрлар тайёрлаш ва ёш авлоднинг спорт сирларини мукаммал эгаллашларида фидойилик қилаётган спортимиз фахрийлари бўлган 25 нафар аёл таклиф этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар К. Шокиржонова, Т. Лягина, енгил атлетика бўйича спорт устаси С. Радзивил сингари устозлар тадбирнинг фахрий меҳмонлари бўлишди.

Тадбир сўнггида учрашув иштирокчиларига Хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Хабарларни "Халқ сўзи" мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА тайёрлади.

«АНДИЖОНКАБЕЛЬ»НИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ва хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган корхоналар орасида "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ўзига хос мавқега эга. Бунинг асосий сабаби, мазкур жамоада ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш орқали сифат ва маҳсулот самарадорлигига эришиш таомилга айланган. Мисол учун, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йилга келиб, 2002 йилдагига нисбатан 479 фоизга ортгани фикримизга далил бўла олади.



Албатта, бу каби юқори иқтисодий ўсишнинг яна бир сабаби маҳсулот турининг ортиши билан ҳам боғлиқ. Жумладан, кейинги 4 йил ичида қўшма корхона жамоаси «ПВА» ва «ПГВА» русумли автотрактор ўтказгичлари, гидрофоб билан тўлатилган «ТППэпЗ» русумли телефон алоқаси кабеллари, «П-274М» дала алоқаси каби 8 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Муҳими, маҳсулот экспорти ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар қўшма корхона томонидан 2003 йилда 4132670,6 минг сўмлик маҳсулот четга сотилган бўлса, бу миқдор 2005 йилга келиб, 18186296,1 минг сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида корхона жамоаси бир қатор хайрли ишларни ҳам амалга оширмоқда. Жумладан, турли таълим-тарбия муассасалари, боқувчисини йўқотган ёлғиз фуқаролар ва бошқаларга 1575 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Бундан ташқари, 2-5-умумтаълим мактаблари, компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи таъмирлаш ишларида ва болалар боғчаси таъминотида ҳам баҳоли қурат ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Табиийки, корхона ишлаб чиқариш қувватининг ортиши ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, уларда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартираётир.

С. ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона илғор ишчиси Шуҳрат Нуралиев; кабель ўрамаси цехида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«Ҳожиматов чойи»га хорижий буюртма

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказига Жанубий Кореядан мактуб келди. Унда бу илмий муассасада яратилган турли гиёҳлардан иборат дамлама ҳақида сўз боради.

Бугунги кунда бундай шифобахш гиёҳлар «Ҳожиматов чойи» деган номда оммалашиб кетди. Сафро ҳайдашда фойдали ҳисобланган бу доривор восита илмий муассасанинг етакчи олими Каҳҳор Ҳожиматовнинг кўп йиллик изланиши маҳсулидир. Эндиликда «Ҳожиматов чойи»га хорижда ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Кореялик шифокорлар ҳам ундан фойдаланиш ниятида эканлигини билдиришди.

Акбор АЛИЕВ.

Иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини, тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш хўжалик судларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ

хўжалик судларида қандай ҳимоя қилинмоқда?

Хўш, тадбиркорлик субъектлари суд ишларини юритиш жараёнида қандай ҳуқуқ ва манфаатларга эга бўла олади, уларнинг қонун бўйича ҳуқуқлари қай тарзда ҳимоя қилинмоқда? Улар ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш борасида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандига асосан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг хўжалик судига ўтказилиши ва «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармон талаблари уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида янги босқични бошлаб берди.

Бугунги кунга келиб, маъмурий ҳамда назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, бевосита унинг розилиги асосида, рози бўлмаган тақдирда эса фақат суд орқали амалга ошириш механизми жорий қилинганлиги хўжалик судларининг бу борадаги ишлар юзасидан масъулиятини янада оширди.

Хусусан, Фарғона вилояти хўжалик судига жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 520 та хўжалик юритувчи субъектга нисбатан молиявий жарима қўллаш борасида назорат қилувчи идоралар томонидан мурожаат қилинган бўлиб, шундан 49 та хўжалик юритувчи субъектга нисбатан суднинг қарорига асосан молиявий жарима қўллаш талаби рад қилинган. Масалан, вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Данғара тумани машина-трактор парки» акциядорлик жамиятидан 157200 сўм жарима ундиришни сўраган. Даъво аризасида кўрсатилишича, текшириш якунларига кўра, корхонада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-қарори талаблари бузилганлиги натижасида 157200 сўм ортиқча даромад олинганлиги аниқланган деб, жавобгарга нисбатан шунча молиявий жарима қўлланилиши тўғрисида ҳудудий бошқарма кенгашининг қарори чиқарилган. Бу ҳаракати билан даъвогар, юқоридаги Фармон талабларидан четга чиқиб, текшириш натижалари юзасидан жавобгарга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш бўйича тўғридан-тўғри судга даъво аризаси орқали мурожаат қилмасдан, ҳудудий бошқарманинг ўзи томонидан молиявий санкциялар қўлланилган. Суд мажлисида мазкур ҳолатлар аниқланиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилди.

Иккинчи бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 2-бандида: «Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилсин» деб кўрсатилган. Кундалик фаолиятимизда айрим тадбиркорлик субъектлари ўзлари томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича суд мажлисига қадар мавжуд қарз маблағларини ихтиёрий равишда тўлаб қўйиш, бунинг натижасида бундай турдаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллашдан озод қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, Фурқат тумани ДСИ ходимлари «Ёқуб ота» хусусий фирмасида ўтказилган қисқа муддатли текширув якунлари бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси орқали мурожаат қилиб, «Ёқуб ота» хусусий фирмасига нисбатан жами 2368000 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган. Лекин суд мажлиси жараёнида Фурқат тумани ДСИ вакилининг берган кўрсатмасига ҳамда ишдаги мавжуд ҳужжатларга биноан, «Ёқуб ота» хусусий фирмаси томонидан бу маблағ ихтиёрий равишда тўлаб қўйилганлиги боис суднинг ажримига асосан молиявий жарима қўллаш бўйича иш юритуви тугатилган.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ҳимоя қилиш борасида кўрсатилаётган эътибор, қабул қилинаётган Фармонлар ва қонун ҳужжатлари бугунги кунда мазкур ишларни хўжалик судида тўлиқ ва атрофлича кўриб чиқиш, бунинг натижасида эса мавжуд хўжалик низолари ўз вақтида бартараф этилишини таъминлашга олиб келмоқда.

Донияр ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Фарғона вилояти хўжалик суди судьяси.

Бутунжаҳон туризм кунига бағишланди

Кеча «Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси, «Экосан-Тур» халқаро экологик сайёҳлик маркази ҳамкорлигида Бутунжаҳон Туризм кунига бағишланган катта экофестиваль ўтказилди. Пойтахтимиздаги Бобур номли истироҳат боғида бўлиб ўтган ушбу тадбир «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» шиори остида уюштирилди. Фестиваль олдидан гўзал ва бетакрор она табиат, турли тарихий экспонатлар акс эттирилган кўргазма намойиши бўлди.

Йиғилишда юртимиз тарихий обидаларга бойлиги ҳамда табиий гўзаллиги билан ҳам сайёҳларни жалб этиши, йилига бир миллион киши ўртача олти кундан ҳордиқ чиқариш имкониятига эга экани таъкидланди. Шунингдек, фестивалда экотуризм фаолияти, туристик бизнес ва сервис соҳасини ривожлантириш, одамларда сайёҳлик, экосайёҳлик салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратилди. Анжуман якунида ўтказилган марафоннинг фаол қатнашчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, «Ўзбектуризм» миллий компанияси директори З.Ҳакимов ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда тўлов тизимининг ривожланишида банк пластик карточкалари муҳим ўрин тутади. Улар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликлар, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имкониятини яратади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқда.

«АСАКАБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ

Пластик карточкалар тизимини ривожлантириш ва кенгайтириш борасида «Асака» акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда 1999 йилдан бошлаб сўм пластик карточкалари чиқарилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг икки тури — дебет ва кредит карточкалари муомалададир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисобкитоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қароридан сўнг, айниқса, мамлакатимизда бу тизимни ривожлантириш авж олди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Асака» банкида ишчи комиссияси фаол иш юритмоқда. Натижада 2005 йил ва 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг ўзида 1105 та ташкилот ва корхонада ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали амалга ошириш йўлга қўйилди, филиалларнинг жамғарма кассалари ва барча мини банкларида эса коммунал тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш имконини берадиган терминаллар ўрнатилди.

«Асака» банки тизимида 1999-2004 йиллар давомида пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўлов айланмаси 1,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилнинг ўзида 4,1 млрд. сўмни, 2006 йилнинг 8 ойида эса 8,12 млрд. сўмни ташкил қилди. Ҳозиргача банк томонидан 150 мингтадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди, пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган 1600 тадан зиёд терминаллар банк ғазналарига, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи шохобчаларга, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга ўрнатилди.



Ойлик иш ҳақи тўловларини пластик карточкалар орқали амалга оширадиган корхона ва ташкилотлар ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, шу кунгача уларнинг сони 2381 тага етказилди. Бу 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 314 та кўпдир.

Ҳозирги кунда банк томонидан савдо-сервис тармоқларида товарлар ва хизматлар учун ҳисобкитоблар ҳам пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Бундай корхоналар сони 1429 тадир. «Асака» банкининг савдо терминаллари орқали айланмалар суммаси эса 14,08 млрд. сўмни ташкил этиб, 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,74 млрд. сўмга ортди.

Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг барча бекатларида автоматик тўлов турникетлари тўлиқ ишга туширилди. Шу кунгача Тошкент метрополитенида сўм пластик карточкалари орқали йўл ҳақи тўловлар суммаси 27,15 млн. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг йирик банклари қатори «Асака» банкида пластик карточкалари билан бир қаторда «Master Card Business», «Master Card Standard», «Maestro Card» халқаро пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Бундай карточкалар тизимининг жорий этилиши халқаро муносабатларда, халқ хўжалигида, савдо, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим аҳамият касб этаяпти. Мамлакатимиздаги чет эллик меҳмонларнинг асосан пластик карточкалар орқали харид ёки кўрсатилган хизмат учун пул тўлашлари, албатта, уларга жаҳон андозаларига мос молиявий хизмат кўрсатишни, шу билан бирга, республикамизга кўпроқ хорижий валюта кириб келишини таъминлайди. Ҳозирги кунда «Асака» банки томонидан «Гранд Мир» меҳмонхонасига, «Туркуаз» каби йирик гипермаркетларга халқаро терминаллар ўрнатилган бўлиб, уларда 2005 йилда 873 та халқаро пластик карточка орқали хизмат кўрсатилган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида уларнинг сони 1085 тага етди.

Пластик карточкалар тизимини барқарор ривожлантириш учун, табиийки, сервис тармоғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари катта имкониятларга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли Қарорига асосан, ушбу тармоқда жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб пластик карточка орқали ўтказилган суммага нисбатан 10% кам солиқ тўлаш амалиёти кучга киради.

Банкимиз томонидан сўм пластик карточкалари орқали хизматларни янада кўпайтириш мақсадида «Овердрафт» истеъмол кредит тури ҳам жорий этилган. Хусусан, ўтган даврда 3580 тадан ортиқроқ пластик карточка эгаларига 1 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари халқ истеъмоли товарлари, маиший техника воситаларини харид қилишга ажратилди.

«Асака» банки келгусида ҳам бу тизимнинг ривожланиши йўлида фаол иштирок этаверади.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки матбуот хизмати.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Қашқадарё вилоятида қурилиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежларига танлов савдоларига қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади

Янгидан қуриладиган 16 та касб-ҳунар коллежи

1. Деҳқонобод тумани, Бойқўрғон қишлоғида 540 ўқувчи ўринли спорт-педагогика касб-ҳунар коллежи.
2. Яккабоғ тумани, Самок (Чиғатой) қишлоғида 540 ўқувчи ўринли агро-бизнес касб-ҳунар коллежи.
3. Яккабоғ тумани, Қорамурча (Дуюл) қишлоғида 540 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи.
4. Яккабоғ тумани, Мевазор (Қўшчинор) қишлоғида 540 ўқувчи ўринли ахборот-технология касб-ҳунар коллежи.
5. Ғузор тумани, Қоратикан қишлоғида 540 ўқувчи ўринли ахборот-технология касб-ҳунар коллежи.
6. Қамаши тумани, Окработ қишлоғида 540 ўқувчи ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.
7. Косон тумани, Пўлати қишлоғида 720 ўқувчи ўринли ахборот-технология касб-ҳунар коллежи.
8. Китоб тумани, Жайрахона («Тупчоқ» ҚФЙ) қишлоғида 540 ўқувчи ўринли иқтисод касб-ҳунар коллежи.
9. Китоб тумани, Обиканда қишлоғида 540 ўқувчи ўринли агробизнес касб-ҳунар коллежи.
10. Чироқчи тумани, Шўрқудуқ қишлоғида 540 ўқувчи ўринли транспорт касб-ҳунар коллежи.
11. Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев қишлоғида 540 ўқувчи ўринли агробизнес касб-ҳунар коллежи.
12. Шаҳрисабз тумани, Хисорак қишлоғида 540/50 ўқувчи ўринли ахборот-технология касб-ҳунар коллежи.
13. Миришкор тумани, Миришкор қишлоғида 720 ўқувчи ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.
14. Косон тумани марказидаги 720 ўқувчи ўринли саноат касб-ҳунар коллежи.

Реконструкция қилинадиган 3 та касб-ҳунар коллежи

1. Чироқчи тумани, Оқчева қишлоғида 540 ўқувчи ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.
2. Шаҳрисабз шаҳрида 720/100 ўқувчи ўринли педагогика касб-ҳунар коллежи.
3. Касби тумани Зумрат қишлоғида 540 ўқувчи ўринли саноат касб-ҳунар коллежи.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 227-16-56, 227-19-71.
Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Малака танловида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: ишлаб чиқариш базаси меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга, фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига, шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучи билан бажарилган ишлар хажми ҳақидаги маълумотлар тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида), 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик, қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тоъбе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотлари малакасини олдиндан аниқлаш, танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: **Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй**га 2006 йил 13 октябргача иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (8-375) 221-07-79.**

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг беш кундан кечикмай берилади.

Ташкилотлар малакасини олдиндан аниқлаш бўйича таклифлар очилиши 2006 йил 16 октябрь соат 10.00 да вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 30 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатларининг нархи — 30 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 2-уй.**

Изоҳ: 2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Қашқадарё вилоятида қурилиш ишлари олиб бориладиган умумтаълим мактабларига танлов савдоларига қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади.

	Янгидан қуриладиган 19 та мактаб
1.	Деҳқонобод тумани Терсакор қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 54-сонли мактаб.
2.	Деҳқонобод тумани Хўжамаҳмуд қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб.
3.	Деҳқонобод туманида 216 ўқувчи ўринли 39-сонли мактаб.
4.	Қарши тумани Ертепа қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб.
5.	Қамаши тумани Қизилтом қишлоғида 80 ўқувчи ўринли 78-сонли мактаб.
6.	Косон тумани Ҳалима қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 48-сонли мактаб.
7.	Косон тумани Ўрта-Оброн қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб.
8.	Косон тумани Обдида қишлоғида 216 ўқувчи ўринли 80-сонли мактаб.
9.	Китоб тумани Хўжамакон қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 44-сонли мактаб.
10.	Муборак шаҳрида 160 ўқувчи ўринли 28-сонли мактаб.
11.	Миришкор тумани Гулшанбоғ қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 18-сонли мактаб.
12.	Нишон тумани Эски Нишон қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 2-сонли мактаб.
13.	Чироқчи тумани Чиял қишлоғида 250 ўқувчи ўринли 100-сонли мактаб.
14.	Чироқчи тумани Шўрбозор қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 121-сонли мактаб.
15.	Шаҳрисабз тумани «Хисор» хўжалигида 315 ўқувчи ўринли 56-сонли мактаб.
16.	Яккабоғ тумани Бешўғил қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 30-сонли мактаб.
17.	Яккабоғ тумани Шаршар қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб.
18.	Яккабоғ шаҳрида 490 ўқувчи ўринли 83-сонли мактаб.
19.	Қарши шаҳрида 216 ўқувчи ўринли кўзи ожизлар мактаб-интернати.
	Капитал реконструкция қилинадиган 43 та ва капитал таъмирланадиган 66 та мактаб
	Лот 1-5.
1.	Ғузор тумани Чаноқ қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни реконструкция қилиш.
2.	Ғузор тумани Ўтари қишлоғида 100 ўқувчи ўринли 39-сонли мактабни реконструкция қилиш.
3.	Ғузор тумани Халқобод қишлоғида 417 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
4.	Ғузор туманида 310 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
5.	Ғузор туманида 420 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 2-4.
6.	Деҳқонобод тумани Найман қишлоғида 180 ўқувчи ўринли 49-сонли мактабни реконструкция қилиш.
7.	Деҳқонобод тумани Чўкмазор қишлоғида 240 ўқувчи ўринли 57-сонли мактабни реконструкция қилиш.
8.	Деҳқонобод тумани Бойқўрғон қишлоғида 720 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
9.	Деҳқонобод тумани Деҳқонобод қўрғонида 536 ўқувчи ўринли 69-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 3-10.
10.	Қарши тумани Кўчқак қишлоғида 630 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни реконструкция қилиш.
11.	Қарши тумани Файзиобод қишлоғида 450 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни реконструкция қилиш.
12.	Қарши тумани Тўқмангит қишлоғида 450 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни реконструкция қилиш.
13.	Қарши тумани Гулбоғ қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 53-сонли мактабни реконструкция қилиш.
14.	Қарши тумани Бешкент шаҳрида 840 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
15.	Қарши тумани Чорагул қишлоғида 530 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
16.	Қарши тумани Батош қишлоғида 320 ўқувчи ўринли 35-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
17.	Қарши туманида 750 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
18.	Қарши тумани Тахтапул қишлоғида 422 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
19.	Қарши тумани Сарой қишлоғида 640 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 4-12.
20.	Қамаши тумани Оққишлоқ қишлоғида 200 ўқувчи ўринли 60-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш.
21.	Қамаши тумани Олма қишлоғида 240 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни реконструкция қилиш.
22.	Қамаши тумани Қишлиқ қишлоғида 630 ўқувчи ўринли 70-сонли мактабни реконструкция қилиш.
23.	Қамаши тумани Калтатой қишлоғида 320 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни реконструкция қилиш.
24.	Қамаши тумани Нагахон қишлоғида 340 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни реконструкция қилиш.
25.	Қамаши тумани Аэлартепа қишлоғида 420 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни реконструкция қилиш.
26.	Қамаши тумани Лангар қишлоғида 250 ўқувчи ўринли 57-сонли мактабни реконструкция қилиш.
27.	Қамаши тумани Ойнакўл қишлоғида 830 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
28.	Қамаши туманида 150 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб филиалини капитал таъмирлаш.
29.	Қамаши тумани Чим қишлоғида 1280 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
30.	Қамаши тумани Манғит қишлоғида 480 ўқувчи ўринли 28-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
31.	Қамаши тумани Гулистон қишлоғида 470 ўқувчи ўринли 59-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 5-7.
32.	Касби тумани Майманоқ қишлоғида 824 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни реконструкция қилиш.
33.	Касби тумани Қоратерак қишлоғида 632 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни реконструкция қилиш.
34.	Касби тумани Муғлон қишлоғида 840 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
35.	Касби тумани Тошқўрғон қишлоғида 722 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
36.	Касби тумани Чўлқувар қишлоғида 624 ўқувчи ўринли 50-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
37.	Касби тумани Хўжақайрон қишлоғида 616 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
38.	Касби тумани Қорақўнғирот қишлоғида 624 ўқувчи ўринли 36-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 6-6.
39.	Косон туманида 210 ўқувчи ўринли 82-сонли мактабни реконструкция қилиш.
40.	Косон тумани Бўлмас қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни реконструкция қилиш.
41.	Косон туманида 160 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни реконструкция қилиш.
42.	Косон туманида 624 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
43.	Косон туманида 422 ўқувчи ўринли 49-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
44.	Косон тумани Бойғунди қишлоғида 734 ўқувчи ўринли 75-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 7-8.
45.	Китоб тумани Жайрахона қишлоғида 490 ўқувчи ўринли 49-сонли мактабни реконструкция қилиш.
46.	Китоб тумани Сариосиё қишлоғида 700 ўқувчи ўринли 81-сонли мактабни реконструкция қилиш.
47.	Китоб тумани Бодомзор қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 56-сонли мактабни реконструкция қилиш.
48.	Китоб тумани Янгиқишлоқ қишлоғида 340 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
49.	Китоб тумани Сапарча қишлоғида 392 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
50.	Китоб тумани Алакўйлак қишлоғида 1000 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
51.	Китоб тумани Жилисув қишлоғида 320 ўқувчи ўринли 71-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
52.	Китоб тумани Узункўл қишлоғида 834 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 8-4.
53.	Муборак шаҳрида 510 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни рекоснтрукция қилиш.
54.	Муборак туманида 624 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
55.	Муборак тумани Қарлиқ қишлоғида 624 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
56.	Муборак тумани «А.Навоий» фермер хўжалигида 624 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 9-7.
57.	Миришкор тумани Помуқ қишлоғида 620 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни реконструкция қилиш.
58.	Миришкор тумани Миришкор қишлоғида 1248 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
59.	Миришкор тумани Гулистон қишлоғида 1176 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
60.	Миришкор тумани Қурама қишлоғида 624 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
61.	Миришкор тумани Зафар қишлоғида 624 ўқувчи ўринли 36-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
62.	Миришкор тумани Калта қишлоғида 824 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
63.	Миришкор тумани Чандир қишлоғида 542 ўқувчи ўринли 33-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 10-16.
64.	Чироқчи тумани Қўриқсой қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 155-сонли мактабни реконструкция қилиш.
65.	Чироқчи тумани Шакарбулоқ қишлоғида 315 ўқувчи ўринли 156-сонли мактабни реконструкция қилиш.
66.	Чироқчи тумани Лолабулоқ қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 76-сонли мактабни реконструкция қилиш.
67.	Чироқчи тумани Гавхона қишлоғида 160 ўқувчи ўринли 62-сонли мактабни реконструкция қилиш.
68.	Чироқчи тумани Зум қишлоғида 320 ўқувчи ўринли 96-сонли мактабни реконструкция қилиш.
69.	Чироқчи тумани Ўтамойли қишлоғида 510 ўқувчи ўринли 113-сонли мактабни реконструкция қилиш.
70.	Чироқчи тумани Ободон қишлоғида 270 ўқувчи ўринли 130-сонли мактабни реконструкция қилиш.
71.	Чироқчи тумани Янгиҳаёт қишлоғида 290 ўқувчи ўринли 123-сонли мактабни реконструкция қилиш.
72.	Чироқчи шаҳрида 820 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
73.	Чироқчи шаҳрида 520 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
74.	Чироқчи тумани Наймансарой қишлоғида 640 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
75	Чироқчи тумани Махдумтепа қишлоғида 417 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
76.	Чироқчи тумани Ҳайиткўл қишлоғида 450 ўқувчи ўринли 35-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
77.	Чироқчи тумани Чияли қишлоғида 797 ўқувчи ўринли 108-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
78.	Чироқчи тумани Оққудуқ қишлоғида 300 ўқувчи ўринли 144-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
79.	Чироқчи тумани Кўкдала қишлоғида 440 ўқувчи ўринли 112-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 11-8.
80.	Шаҳрисабз туманида 120 ўқувчи ўринли 76-сонли мактабни реконструкция қилиш.
81.	Шаҳрисабз туманида 300 ўқувчи ўринли 89-сонли мактабни реконструкция қилиш.
82.	Шаҳрисабз шаҳрида 1491 ўқувчи ўринли 91-сонли мактабни реконструкция қилиш.
83.	Шаҳрисабз тумани Тепар қишлоғида 456 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни реконструкция қилиш.
84.	Шаҳрисабз тумани А.Темур номли жамоа хўжалигида 560 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
85.	Шаҳрисабз тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 700 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
86.	Шаҳрисабз тумани «Наврўз» жамоа хўжалигида 720 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
87.	Шаҳрисабз туманида 680 ўқувчи ўринли 2-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш.
	Лот 12-11.
88.	Яккабоғ тумани Қатағон қишлоғида 870 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни реконструкция қилиш.
89.	Яккабоғ тумани Чайдари қишлоғида 695 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни реконструкция қилиш.
90.	Яккабоғ шаҳрида 590 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни реконструкция қилиш.
91.	Яккабоғ тумани Қишлиқ қишлоғида 335 ўқувчи ўринли 28-сонли мактабни реконструкция қилиш.
92.	Яккабоғ тумани Шов қишлоғида 550 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
93.	Яккабоғ шаҳрида 480 ўқувчи ўринли 1-лицей мактаб-интернатни капитал таъмирлаш.
94.	Яккабоғ тумани Ушн қишлоғида 200 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
95.	Яккабоғ тумани Гуржаб қишлоғида 660 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
96.	Яккабоғ тумани Жавоги қишлоғида 620 ўқувчи ўринли 61-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
97.	Яккабоғ тумани Уйғур қишлоғида 320 ўқувчи ўринли 65-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
98.	Яккабоғ тумани Кўтанбой қишлоғида 520 ўқувчи ўринли 51-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 13-8.
99.	Қарши шаҳри «Отчопар» маҳалласида 430 ўқувчи ўринли 44-сонли мактабни реконструкция қилиш.
100.	Қарши шаҳрида 380 ўқувчи ўринли футбол мактаб-интернатни реконструкция қилиш.
101.	Қарши шаҳрида 560 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
102.	Қарши шаҳрида 720 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
103.	Қарши шаҳрида 1176 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
104.	Қарши шаҳрида 820 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
105.	Қарши шаҳрида 820 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
106.	Қарши шаҳрида 400 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
	Лот 14-3.
107.	Нишон тумани Гулистон қишлоғида 974 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
108.	Нишон тумани «Туркманистон» фермер хўжалигида 624 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
109.	Нишон тумани «Ойдин» фермер хўжалигида 624 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни капитал таъмирлаш.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 227-16-56, 227-19-71.

Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Малака танловида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга; фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига; шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучи билан бажарган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотлар тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида); 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган (янги қурилиш ва реконструкция объектларида) ва 200 млн. сўмдан кам бўлмаган (капитал таъмирлаш объектларида) пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажралиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек, таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «Танлов савдолари иштирокчилари учун йўриқнома»да ўз ифодасини топган.

Қурилиш ташкилотлари малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга: **Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй**, 2006 йил 10 октябргача иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Тел./факс: (8-375) 221-07-79.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўланганидан сўнг беш кундан кечикмай берилади.

Ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича таклифлар очилиши — 2006 йил 12 октябрь соат 10.00 да вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам тендер ҳужжатлари нархи — 30 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатлари нархи — 30 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 2-уй.

Изоҳ: 2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг мактаблар рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

30288/1790

Кўргазма

Санъат миллат, тил ва дин танламайди. Шу кунларда пойтахтимиздаги муҳташам Тасвирий санъат галереясида намойиш этилаётган экспозиция асарлари билан танишарканмиз, яна бир бор мазкур ҳақиқатга амин бўлдик. XX асрда яшаб ижод этган европалик рассом ва ҳайкалтарош Макс Эрнстнинг кўргазма залига қўйилган фалсафий руҳдаги ҳар бир тасвири кишини мулоҳазага чорлайди.

Макс Эрнст дейдики...

Гёте институти ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазма 26 китоб ва 196 та график асардан иборат. Бу ердаги асарлар бир қарашда жўнгина, тушунилиши осон эмаслиги билан ҳам қизиқ. Тасаввур қилинг-а: қаршингизда борликдаги мавжуд сайёралар номи қайд этилган сурат ва ўша номлар орасига инсон қўли тасвири туширилган. Ҳақиқий санъат шайдоси учун сурат бир олам таассурот ва ҳаяжон бахш этиши шубҳасиз. Инсоннинг нафақат ердаги кашфиётлари, балки Ойни ҳам забт этгани, унинг ақл-заковати нақадар буюк амалларга қодирлиги Макс Эрнстнинг талай асарларида ўз исботини топган.

Буюк санъаткор XX асрдаги зиддиятлар исканжасида яшади. Шу боис унинг ижодида инсон зотининг буюклигига ишора билан бир қаторда унинг тубанликларидан ор қилиш кайфияти кўринади. Башариятга бу ҳаётнинг ўткинчи эканини эслатиб туриш, ундаги хатоликларни аямай фош қилиш истаги ижодкорда кучли эди. Балки айнан шу сабаб унинг асарлари барча миллату элатлар учун бугун ҳам аҳамиятли бўлиб қолаётгандир.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мўътабар инсон қиссаси

Одамлар орасида юксак инсоний фазилатлари, туғма кайвонилиги билан ажралиб турадиган шахслар бўлади. Ўзида етакчилик хислатини яққол ҳис этган бундай инсонлар кўпчиликнинг яхши ишларига бош-қош бўлиб, ҳаётда ўзидан яхши ном, эзгу хотиралар қолдиради. Қашқадарё воҳасининг таниқли фарзандларидан бири, шу вилоятда кўп йиллар мобайнида турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бағрикенг, оқил инсон, доно ва моҳир раҳбар сифатида халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонган, инсоний фазилатларига кўра эл-юрт назарига тушган Соиб Усмонов худди шундай кишилардан бири эди.

Шу маънода, таниқли журналист Юсуф Бердиевнинг Соиб Усмонов ҳаёти ва қилган меҳнатларига бағишланган «Ажаб саодат» номли ҳужжатли қиссаси кенг китобхонлар учун қизиқарли битиклардан бири бўлиши шак-шубҳасиздир. Мустақиллик даврида халқимиз орасидан етишиб чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари тўғрисида очерклар, алоҳида китоблар ёзган Ю.Бердиев ушбу асарида ҳам танлаган мавзуига содиқ қолади ва «Ажаб саодат»да элим деб, юртим деб ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача фидойиларча яшаган ажойиб инсон, ёрқин шахс сиймосини бизу сизга тақдим этади.

Янги китоблар

Ажойиб инсонлар ҳаёти, тақдири-ибратларга бой бўлади. Бу эзгу фазилатларни одамлар қанча кўп билса, шунча яхши.

М.САФАРОВ.

Обида қайта тикланмоқда

Бугун қадим Кармана заминида неча минг йиллар илгари бунёд этилган тарихий обидалар халқимизнинг ўтмишидан, бой тарихий меросидан далолат бериб турибди. Хусусан, Навоий шаҳридан унча узоқ бўлмаган Ҳазора қишлоғида жойлашган Мавлоно Ориф Деҳгароний обидаси не-не замонлар алғов-далғовларида хароба ҳолига келиб қолганди. XIV асрда бу гўшани манзил тутган Мавлоно Ориф Деҳгароний эса тасаввуф оламининг йирик вакили бўлиб, аҳолини осойишта ҳаёт кечиришга, ҳалоллик билан умргузаронлик қилишга чорлаб ўтган. Истиқлолимиз туфайли орифларнинг орифи, ўз замонасида эл-улуснинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган бу зотнинг комилликка эришиш йўлида берган сабоқлари ҳақида китоблар ёзилаётир.

Айни кунларда «Навоймеъмор» масъулияти чекланган жамияти ижодкорлари томонидан бу обида ҳам қайтадан таъмирланаётир. Мазкур жамият раиси Қодир Ярашевнинг таъкидлашича, у тез кун ичида юртдошларимиз ва меҳмонларимиз келиб, кўнгилларини нурга ошно этадиган зиёратгоҳга айлантирилади.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.
Навоий вилояти.

Спорт

Энг сермаҳсул тур

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионатининг 25-тур учрашувлари ортда қолди. Миллий чемпионат ўйинлари якунланишига беш тур қолганда кучлилар сафини тарк этадиган дастлабки омадсиз жамоа номи маълум бўлди. Ўз майдонида «Нефтчи»га 2:8 ҳисобида имкониятни бой берган «Хоразм» футболчилари қолган беш тур учрашувининг барчасида зафар қучишса ҳам олий лигадаги ўрнини сақлаб қолишолмайди.

1992 йилда Ўзбекистон чемпионати бронза медали совриндори бўлган «Сўғдиёна» жамоаси ҳам қийин аҳволга тушиб қолди. Жиззахлик футболчилар кучлилар сафида қолиши учун чемпионатнинг қолган ўйинларини муваффақиятли ўтказиши керак. Ушбу турда ҳам турнир жадвалининг юқори поғоналарида бораётган жамоалар зафар қучишди. Қаршининг «Насаф» жамоаси ўз майдонида «Тўпаланг»ни қабул қилиб, қийинчилик билан (3:2) мағлубиятга учратди. «Пахтакор» ҳамда «Насаф»ни изма-из таъқиб этиб келаётган «Нефтчи» ҳам зафар қучди. Ушбу турда мухлислар 40 та гол кўришга муваффақ бўлишди.

Еттинчи бор чемпион бўлишга жуда яқин турган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Локомотив»ни йирик (7:1) ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўплар Уче Ихероуме (3 та), Сервер Жепаров (2 та) Темур Копадзе ва Вячеслав Понамарёвлар ҳисобига ёзилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Трактор» 2:3, «Бухоро» — «Металлург» 0:0, «Машъал» — «Самарқанд-Динамо» 4:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» 2:0, «Навбаҳор» — «Шўртан» 3:2.

25 турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	25	22	1	2	71-8	67
«Насаф»	25	19	4	2	55-26	61
«Нефтчи»	24	18	1	5	51-21	55
«Машъал»	25	15	5	5	40-22	50
«Трактор»	25	13	4	8	42-35	43
«Навбаҳор»	24	12	5	7	33-25	41
«Қизилқум»	25	11	5	9	39-32	38
«Андижон»	25	9	5	11	41-42	32
«Самарқанд-Д»	25	9	3	13	30-36	30
«Локомотив»	25	8	6	11	32-50	30
«Бухоро»	25	7	6	12	25-28	27
«Тўпаланг»	25	8	3	14	33-43	27
«Шўртан»	25	7	2	16	33-50	23
«Металлург»	25	5	7	13	26-32	22
«Сўғдиёна»	25	5	2	18	16-39	17
«Хоразм»	25	0	3	22	19-98	3

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Терма жамоамиз таркиби

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Валерий Непомнящий Осиё чемпионати саралаш баҳсларининг кейинги турига тайёргарлик кўрадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Рўйхатга 29 нафар футболчининг номи киритилган.

Уларнинг аксарияти илгари терма жамоага жалб этилган футболчилардан иборат. Ниҳоят, узоқ муддатли танаффусдан сўнг терма жамоага Италиянинг «Іепоа» клубида тўп сураётган ҳамюртимиз Илёс Зейтуллаев ҳам чақирилган. Шунингдек, Ўзбекистон чемпионати тўпурари, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси аъзоси Носир Отақўзиев, Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасидан Александр Лобановлар ҳам таклиф этилган.

Эслатиб ўтамиз, футболчиларимиз 11 октябрь куни сафарда Бангладеш терма жамоасига қарши тўп суради.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда қурилиши мўлжалланаётган қуйидаги объектлар учун талабгорларнинг малакаларини олдиндан аниқлаш бўйича

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

I. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

1. Сирдарё шаҳрида 480 ўринли 36-сон мактаб қурилиши.

МАКТАБ БИНОЛАРИНИ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ

1. Гулистон шаҳрида 945 ўринли 16-сон мактаб.
2. Ховос тумани, Ховос қўрғони, 420 ўринли 14-сон мактаб.
3. Ховос тумани, Оқчангал қишлоғи, 360 ўринли 16-сон мактаб.
4. Ховос тумани, Қаҳрамон қўрғони, 140 ўринли 27-сон мактаб.
5. Боёвут тумани, У.Юсупов номли ш/х, 96 ўринли 35-сон мактаб.
6. Боёвут тумани, У.Юсупов номли ш/х, 460 ўринли 27-сон мактаб.
7. Сирдарё тумани, 360 ўринли 43-сон мактаб.
8. Сардоба тумани, F.Ғулом номли ш/х, 192 ўринли 20-сон мактаб.
9. Сардоба тумани, «Бўстон» ш/х, 300 ўринли 15-сон мактаб.
10. Оқолтин тумани, Андижон қишлоғи, 420 ўринли 12-сон мактаб.
11. Сайхунобод тумани, Ш.Рашидов номли ш/х, 96 ўринли 14-сон мактаб.
12. Сайхунобод тумани, «Шўрузак» ш/х, 96 ўринли 25-сон мактаб.
13. Сайхунобод тумани, «Пахтакор» ш/х, 110 ўринли 21-сон мактаб.
14. Сайхунобод тумани, Т.Ғуломов номли ш/х, 320 ўринли 13-сон мактаб.
15. Мирзаобод тумани, Бўстон қишлоғи, 210 ўринли 26-сон мактаб.
16. Мирзаобод тумани, Беруний номли ш/х, 2-бўлим, 96 ўринли 8-сон мактаб.
17. Мирзаобод тумани, «Мирзачўл» ш/х, 670 ўринли 11-сон мактаб.
18. Янгиер шаҳри, 320 ўринли 10-сон мактаб.

II. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

1. Гулистон шаҳри, 360/50 ўринли санъат коллежи.
2. Боёвут тумани, «Боёвут-1», 720 ўринли енгил саноат коллежи.
3. Мирзаобод тумани, «Мирзачўл» ш/х, 360 ўринли маиший-қурилиш йўналиши коллежи.
4. Гулистон тумани, «Бешбулоқ» ҚФЙ, 360 ўринли қишлоқ хўжалиги коллежи.
5. Боёвут тумани, У.Юсупов ҚФЙ, 360 ўринли коллеж.
6. Сирдарё тумани, «Синдаробод» ш/х, 360 ўринли қурилиш коллежи.

Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Телефон: (8-367-2) 27-63-86.

Иншоотларни қуриш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

2007 йил манзил дастурига киритилган иншоотларни қуриш учун танлов комиссияси томонидан талабгорларга малакаларини олдиндан аниқлаш бўйича қуйидаги шартлар қўйилади: ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги, етарли меҳнат ва материаллар ресурсларига эгалиги, тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектларда қурилиш тажрибасининг борлиги, 2004-2006 йилларда ўз кучи билан бажарган қурилиш-монтаж ишлари умумий қиймати — янги мактаблар қурилишида бир йилда 500 млн. сўмгача, касб-ҳунар коллежлари қурилишида 1 млрд. сўмгача иш ҳажмлари бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этишлари керак.

Банкротлик ҳолатига тушиб қолган, тугатилиши ёки бўлинувчи, ёки бири иккинчисига қарам бўлган ташкилотлар (молиявий аҳволи бўйича ҳам) танловга қўйилмайди.

Танлов савдоси ҳужжатларини тайёрлаш ва комиссияга тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатлари таркибидаги йўриқномада кўрсатилган.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов ҳужжатларининг 1-пакети, эълон чоп этилгач, иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача танлов савдоси ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан олинади.

Манзил: Гулистон ш., Ахтамова к., 30-уй. Телефон (8-367-2) 27-64-84. Талабгорнинг 1-пакет таклифлари (ҳужжатлари) очилиши жараёни эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кун ўтгач соат 10.00да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» КК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ЎзР ФА Математика институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, ЎзР ФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор
Нўъмон Юнусович САТИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши компания соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи А.Мирагзамовга волидаи муҳтарамаси
АЗИЗА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаевга падари бузруквори
САЙФУЛЛА ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси девонхона мудираси Дилором Раҳимбоевага отаси
Воҳид ШУКУРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси институтнинг маркетинг бўлими бошлиғи Раҳмонбек Каримбековга акаси
Расулбек АҲМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни жамоаси молия ва иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Собиржон Абдуллаевга акаси
Ўлжабой АБДУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5